

# Ishonch

Ислом КАРИМОВ:

Мамлакатимизда азиз ўғил-қизларимизнинг иқболи ва истиқболлини ўйлаб ҳаётга жорий этилаётган, халқаро миқёсда эътироф қилинаётган ислохот ва улкан дастурларимиз — янги-янги замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар барпо этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши учун шарт-шароит яратиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ишларимиз бугунги кунда ўз ҳосили ва самарасини бераётгани барчамизни қувонтиради.

## Ислохот одимлари

Хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали «Муборак нефтгаз» унитар шўба корхонасида замонавий технологиялар кенг қўлланилаётганлиги ўзининг иқтисодий самарасини бермоқда. Бугунги кунда ривожланган давлатларнинг СРТДС, Чанцин, Ериель, Техинформсервис Лукойл, Зеромакс, Истана Каранг Лаут каби нуфузли компаниялари билан ҳамкорликда йўлдош газларни йиғувчи компрессор станциясини кенгайтириш, юқори олтингургуртли Хаузақ, Шоди конларини ишга тушириш, горизонтал кудуқларни бургулаш, қатламни сув ва кум билан ёриш ишлари амалга ошириляпти.

## Кўкдумалоқ — бағри қайноқ

Мамлакатимизнинг энг йирик нефт-газ манбаларидан бири Кўкдумалоқ конининг табиий бойликлари ишлаб чиқарилаётганига ярим асрдан ошди. Илгари Кўкдумалоқдан кувурлар орқали Зеварда қурилмасига 500-600 тонна нефт келиб турар эди. Янги қурилма ишга тушгач, бир кеча-кундузда қазиб олинаётган маҳсулот миқдори 7,5 минг тоннага етказилди.

— Истеъмолчиларни жаҳон андозларига мос маҳсулотлар билан таъминлаш, ер ости бойликларини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳажмини сақлаш ва оширишни назарда тутиб, янги қувватларни ишга тушириш ва замонавий технологияларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилляпти, — дейди корхона раҳбари Шермат Шамсиев. — 1994 йилда Кўкдумалоқда нефт, 1996 йилда газ конденсати тайёрлаш қурилмалари иш бошлади.

Табиий бойликлар беҳисоб эмас. Ундан унумли ва самарали фойдаланиш керак. Ер ости захира босимини ушлаб туриш ва газ конденсатини бир меъёрга қазиб чиқариш мақсадида газ ҳайдаш станцияси, коннинг ер ости захирасига сув юборадиган катта босимдаги насос станцияси қурилди, буғ қозонлари мукамал таъмирланди. Катлам остига газ ҳайдаш, босимни бир меъёрга ушлаб туриш, конденсатнинг унумдорлигини ошириш учун «Келлог» компрессор станциясида модернизация ишлари олиб борилди.

Кончиларимиз МДХ давлатлари Фирасида ягона ҳисобланган компрессор станциясини бунёд этиш учун ишчилар, инженер, техник ходимлар чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда ҳақиқий фидойилик ва жасорат кўрсатиб ишладилар.

Кўкдумалоқ газни комплекс тайёрлаш қурилмасида реконструкция ишлари амалга оширилиб, бир кеча-кундузда 4 миллион кубометр газни қайта ишлаш имконияти яратилди. Украинанинг Харьков шаҳридаги «Турбогаз» корхонасида тайёрланган 5 та турбодетандер газнинг кириш босими паст бўлган ҳолатда ҳам унинг таркибидан олинаётган конденсат миқдорини барқарор сақлаш учун хорижий жи-

ҳозлар ўрнатилди. Натижада газ ва конденсат миқдори ошиб, сифати яхшиланди. Илгари паст босимли газлар ёқиб юборилар эди. Янги қўшма корхонанинг ишга туширилиши туфайли бу ёқилгидан ҳам унумли фойдаланиб, йил давомида 11 миллиард 500 миллион сўм даромад олинди. Қўшма корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилиши бир кеча-кундузда 13-13,5 миллион кубометр газни қайта ишлаш имкониятини берди.

— Меҳнат аҳли тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилаётганлиги муваффақиятини таъминламоқда, — дейди кон касабаси уюшма ташкилоти раиси Исоимиддин Раҳмонов. — Иш бевури билан ўзаро ишонч ва ҳамкорликдаги фаолиятимиз туфайли жамоа шартномасида белгиланган вазифалар муваффақиятли бажариляпти.

Меҳнат жамоасида соғлом, маънавий, ишчанлик вазияти ҳукмрон. Ходимлар суг ва суг маҳсулотлари, бепул кийим-кечак, химоя воситалари ва пойафзал билан таъминланган.

— Тиббий пункт, дам олиш, маънавият ва маърифат хоналари ишлаб турибди. Ётоқхона, диспетчерлик, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси хоналарига юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, маиший хизмат хоналарига янги жиҳозлар келтирилди. Йил якунида ходимларга олти ойлик иш ҳақи миқдорига мукофот берилди. Экологик ҳолатнинг мўтадиллаштирилиши учун кўркам посёлка қад кўтарган, дам олиш зонаси яратилган.

...Кўкдумалоқ конининг улкан минералари олисдан кўзга ташланади. Бепойн сахро бағрини ёритган минглаб чироқлар кечалари самоддаги юлдузлар билан бахшалади. Истиклол нуруларидан баҳраманд бўлган хазинаопарлар астойдил төр тўкиб замин қаъридаги қимматбахо бойликларни Ватан манфаати йўлида хизмат қилдиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Чўл қўйидаги Кўкдумалоқ бағри ҳамиша жўшқин ва қайноқ.

Иззат ХИКМАТОВ,  
«Ishonch» мухбири.

## БОЁВУТ ҚИЗИНИНГ БАХТЛИ БАҲОРИ

Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанادا Зулфия номидаги Давлат мукофоти ўз эгаларига топширилди. Улар сафида Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидан Ситора Барлибоева ҳам бор эди.

Пахта тозалаш заводининг оддий ишчиси ва қишлоқ ҳамшираси хонадонида тарбияланган Ситора вилоятда ушбу юксак мукофотга муносиб топилган қизларнинг саккизинчиси.

У мактабда аёло ўқиди. Устозлари Ситоранинг истеъдодини ўз вақтида илғаб, ундаги қобилиятни тарбиялашга кўмак беришди. Дастлабки шеърий машқлари «Ойла ва жамият» ва «Маърифат» газеталарида эълон қилинди. «Нихолингман, Ватаним» номли мўъжагина шеърини тўплами нашрдан чиқди. Яқинда Ситоранинг навбатдаги «Кўмакчи

фариштам» шеър ва ҳикоялар тўплами китобхоналар қўлига теғди.

Ёш ижодкор мазкур тўпламда мустақил юртимиз, табаррук она, одамлилик хислатлари, табиат, ёшлик ҳақида теран фикрларини баён этган.

Ситора Барлибоеванинг ўтли шеърлари ўқувчилар қалбидан жой олмоқда. Бу унинг ижодий парвози янада сарбаланд бўлишидан далолат.

Пиримқул ДЎСТМАМатов,  
«Ishonch» мухбири  
Суратда: Ситора Барлибоева.

## Зулфияноним қизлари



## ҚўНФИРТОВДА КАТТА КУРАШ

Қариб уч минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий Ерқўрғон калъаси ёдгорликларига тўташиб кетган Қўнғиртов адирилари улкан издиҳомдан жунбушга келди.

Воҳанинг бахмал либосга бурканган кўҳна адириларида мамлакат миқёсида катта кураш муСОБОКАРИ ўтказилди. Беллашуларда республикамизнинг ҳамма вилоятлари ва Қорақалпоғистондан келган беш юздан зиёд номдор полвонлар турли вазлар буйича майдонга тушдилар.

Республика Миллий Кураш Федерацияси раиси, халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамини Абдулла Орипов голибларни қизгин табриқлаб, уларга вилоят ҳокимлиги, тадбиркор ва фермерлар томонидан таъсис этилган совринлар ва мукофотларни топширди.

Ўз мухбиримиз

## «Келажак овози — 2007»

Маълумки «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» республика кўрик-танлови икки йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

## ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

15 ёшдан 25 ёшгача иқтидорли, интилувчан ва санъат соҳасида яратган янгиликларини жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш истагидаги йигит-қизларни жамлаган ушбу танловнинг янги мавсуми ҳам бошланди. Айни кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг барча ҳудудий кенгашларида қатнашиш истагини билдирган ёшлардан аризалар қабул қилинмоқда.

Шу кунгача давоярлардан 4 мингга яқин ариза қабул қилинган. Ўтган йили 10 мингга яқин ёшлар иштирок этганини инобатга олсак, бу нисбатан оз. Танловнинг эътиборига қилиб тушаётган аризаларнинг камлиги ҳам ташвишланарли ҳолдир. Ҳақамлар ҳайати ва ташқилий қўмита вакиллари иштирок этган видеоконференцияда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ўтган танловларда ҳақамлик жараёнидаги баъзи камчиликлар танкид остига олинган эди. Бундай ҳолатлар такорланмаслиги учун, жорий йилда танлов иштирокчиларининг қобилиятини аниқ мезонлар асосида баҳолаш чоралари ишлаб чиқилмоқда.

Азизжон ЭРМАТОВ



## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди, сарфланган маблағ 28 млн. 327 минг сўмни ташкил этди. Тиббиёт муассасаларида тузилган жамоа шартномалари ва келишувлар орқали қонунчиликда

белгиланган турли имтиёз ва кафолатларнинг бажарилиши юзасидан талай ижобий ишлар амалга оширилди.

Бу эса, ўз навбатида касабаси уюшмалари нуфузининг ортишида ўзига хос

омил бўлди. Натижада ўтган йили касабаси уюшмалари ташкилотлари 225 тага, аъзолар сони 19 542 нафарга кўпайди.

Раёсатда ютуқлар билан бир қаторда мавзуд камчиликларга ҳам тўхтаб ўтил-

## Ҳисобот

## ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

фонд фаолиятининг асосий мақсади

«Болалар ижодиёти ва санъати Маркази» болалар жамоатчилик фонди нодавлат-нотижорат ташкилот бўлиб, Ақлия вазирлигида 2004 йил 24 декабрда рўйхатга олинган.

Фонд фаолиятининг асосий мақсади — болалар ижоди ва санъатини ривожлантириш, болалар ва ўсимлар маҳоратини ўстиришга ёрдам бериш, ҳар хил тўғараклар, болалар ўйинлари ва турли фестиваллар, илмий анжуман ва симпозиумлар, ўқув семинарлари ва фан олимпиадалари ташкил этиш, болалар ва ёшлар ҳуқуқлари ҳамда қизиқишларини муҳофаза қилишдан иборат.

Ўтган 2006 йил давомида фонд бир қанча тадбирларни амалга оширди. Жумладан, эстрада ва рақс йўналиши буйича тўғараклар ташкил этиб, ҳафтанинг ҳар шанба кунда мунтазам «Халқ ёқимтой» ёш талантлар танлови ўтказилди.

Ҳафтанинг яшанба кунларида «Ҳамса» актёрлар маҳоратини ошириш тадбирлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари, фонд йил давомида болалар иштирокида видеороликлар суратга туширишни йўлга қўйган.

Болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишланган концерт, «Япония болалар нигоҳида» расмлар конкурси, «Самарқанд гўзал» танлови каби тадбирларни ўтказиш учун 16 миллион сўм харажат қилиниб, улар ҳомийлар томонидан қопланди. Бир сўз билан айтганда, фонд ўз фаолиятини келажакда бўлиши ёшларнинг ўз иқтидорларини намойиш этиши, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича етиши учун шароит яратишга қаратган.

«Болалар ижодиёти ва санъати Маркази» болалар жамоатчилик фонди бошқаруви.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар моҳияти инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий-ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси ҳам барча масалаларни ижтимоий шерикчилик асосида жамоа келишувлари ва шартномалари орқали ҳал этиб келмоқда.

Кунчи кеча ушбу келишув ва шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳамда эришилган ютуқ ва камчиликлар таҳлили юзасидан Марказий кенгашнинг навбатдаги раёсати бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси О.Муҳитдинова бошқарди.

Амалга оширилган ишлар сарҳисоби ўтган йилда муайян натижаларга эришилгани яна бир қарра намоён этади. Жумладан, кам таъминланган оилаларга 72 млн. сўм, кўп болали оилаларга 33 млн. 370 минг сўм, уруш ва меҳнат фахрийларига 21 млн. сўмлик мод-

дий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш муассасаларида фаолият кўрсатаётган 3042 нафар ходим касабаси уюшмалари тизимидаги санаторийлар ва дам олиш масканларида бепул соғломлаштирилди. 2890 нафар аёллар ойлик



## Тадбир

Раёсат йиғилишидан сўнг ЎзКУФК Ўқув марказида ўқув-семинар ташкил этилиб, унда IV қурултой қарорларини бажаришда касабаси уюшмаларининг устувор вазифалари, молиявий фаолияти, ижтимоий сугурта маблағлари ҳамда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда жамоа шартномалари ва келишувларининг аҳамияти, ишни ташкиллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда қонун устуворлиги, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда касабаси уюшмаларининг ўрни ва миллий ғоя тарғиботи мавзусидаги маърузалар тингланди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг масъул ходимлари В.Кочкаров, М.Исаев, Р.Верешагина, А.Асадов, А.Рисқуллаев ва Республика Маънавият тарғибот маркази мутахассиси А.Амреевлар семинар қатнашчилари саволларига жавоб бердилар.

Мақтуба МҲМИНОВА,  
«Ishonch» мухбири  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар

Хоразм томонларда

Шовот туманидаги Карим Рахимов номи ширкат ҳўжалиги негизда уч йил аввал 98 та фермер ҳўжалиги ташкил этилган эди. Экин майдонлари ҳақиқий мулкдорлар ихтиёрига берилгач, барча соҳаларда аввалгиларга нисбатан ривожланиш кўзга ташланмоқда. Бунда собиқ машина-трактор паркни ўрнида қайта шакланган муқобил машина-трактор паркни (ММТП)нинг ҳам ҳиссаси катта.

ташкил этган бўлса, ҳозир 9-10 минг сўмдан ошмапти. Ширкат даврида ҳосилдорлик 18 центнерга тушиб қолган эди. Эндиликда 98 та фермернинг ҳар бири галанинг гектаридан 30-32 центнердан, пахтадан эса 24-28 центнер-

ХИЗМАТИДАН ФЕРМЕР МАМНУН

дан ошириб давлатга маҳсулот сотмоқда. «Муҳаммаджон», «Шохруҳ», «Омонбой-2001», Собир Юсупов, Ғайрат Одамов каби фермер ҳўжаликлари бундан ҳам юқори натижаларга эришмоқдалар.

Муқобил машина-трактор парк раҳбари Раваҳан Ражабовнинг қайд этишича, фермер ва деҳқон ҳўжаликларига кўнгилдагидек хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун барча чоралар кўрилмақда. Жумладан, механизатор ва ҳайдовчилар замонавий техникаларни бошқаришга ихтисослаштирилмапти. Қўшни туманлар ва Бухоро вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳамкасблар тажрибаси ҳам қўл келмоқда.

— Утган мавсумда шартнома бўйича фермерларнинг 48 миллион сўмлик ишлари баҳарилдани. Чегирилган маблағнинг асосий қисми янги техникалар сотиб олишга ва ММТП таркибида хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга йўналтирилган: таъмирлаш, пайвандлаш ва чилангарлик цехлари замонавийлаштирилди. Яқинда эса 3 та «Алтай» русумли ҳайдов ва 2 та булдозер оламит. Бу — деҳқон меҳнатини оsonлаштириб, харажатларни камайтиради, шунингдек, қўшни ҳудудлардаги техника кучига муҳтож фермерларга ҳам нафимиз тегади, — деди у.



Далада техника баҳариши мумкин бўлган барча юмушлар ММТП ҳисобидан амалга оширилади. Айни пайтда мавжуд экин воситалари, ҳайдов, саялка ҳамда транспорт тракторлари тўлиқ таъмирланиб, далага олиб чиқилган.

Фермерларга сифатли хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида механизатор ва ҳайдовчилар ўртасида ўзаро мусобақалар ташкил этилганидан ташқари, ҳайдов тракторчиларга сифатли иш учун 70 минг сўм, саялка ҳамда молловчи механизаторларга эса 60 минг сўмдан қўшимча мукофот пуллари ажратилган. Меҳнат унумдорлиги ва сифатининг ошишида куз, қиш мавсумидаги тадбирлар бош оми бўлаётди. Мулкдорлар ихтиёридаги 840 гектар майдон техника кучи билан оби-тобига келтирил-

ган. Экин даврида 35 нафар киши тўрт гуруҳга бўлиниб, ишларни жадаллаштиришди.

Асосий эътибор икки томонлама шартнома бандларининг тўлиқ баҳариллишига қаратилган. Уч йилдирки, бунга қатъий амал қилинади. Бундан ташқари ўз техникасига эга бўлган фермерлар ҳам ана шу корхона хизматидан манфаатдор. Таъмирлаш, зарур қисмларни етказиб бериш ишлари шартномага кўра улар зиммасида.

Ўзаро ҳамкорлик ва хизмат кўрсатиш тамойилларининг тўғри ташкил этилгани кишлоқ ҳўжалиги тармоқларида тежамкорлик билан мўл ҳосил этиштиришга шароит яратмоқда. Бир мисол. Ширкат даврида ҳар гектар ерга техника ишлови учун кетган сарф-харажатлар ўртача 12 минг сўм, агар ёқилги ва эҳтиёт қисмлар билан қўшиб ҳисоблаганда 16-25 минг сўмни

АҲВОЛ ҚАНДАЙ, ПИЛЛАКОР?

Оролбўйи минтақаси ҳисобланган Хоразм вилоятида кишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари сингари пилла етиштириш ҳам катта меҳнат талаб этади. Об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши ва ерларнинг мезғилдан ортиқ шўрланганлиги ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Аксига олиб, қайта ишловчи корхоналарнинг ўзини ўзи қопловмай, банкротга учрагани ҳам аҳолини анча мушкуллаштирган эди. Бироқ изиланиб, имкон топса бўлар экан. Мутахассислар бу борада синналган тажрибаларга таяниди. Даставвал озуқа базасини мустаҳкамлашга ва пиллакорлар билан ўз вақтида ҳисоб-китобларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ромитандаги қўшма корхона филиалининг Хива туманида қурилиши ишларни изга тушиб кетишида, айниқса, қўл келди. Айни пайтда бу ерда Хитой технологияси асосида ишлаётган дастгоҳлар вилоятнинг Хива, Ҳазорасп, Ботот, Хонқа ва Янгиариқ каби туманларида етиштирилган 250 тонна пиллани қайта ишлаяпти.

Шунингдек, 120 нафардан зиёд ёшлар доимий ишли бўлишди. Қайта ишланган ипак маҳсулоти эса сифатлилиги ва чидамлилиги билан Хитой, Малайзия ҳамда Вьетнам давлатидаги ҳамкорлар эътиборини тортаяпти. Келгуси йилдан вилоятда етиштирилаётган хомашени шу жойнинг ўзида қайта ишлаш режалаштирилган. Бунинг учун қўшимча цехлар қуриш мўлжалланмоқда.

Ипак қурти озуқа базасини мустаҳкамлаш учун биргина Хива туманида 203 гектар қўшимча тут плантациялари барпо этилиб, 193 та тутчиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари ташкил этилган. Бундан ташқари толаси чидамсиз ва эскирган навлардан воз кечилиб, чет элда самара бераётган навларни кўпайтиришга киришилган. Масалан, Хитой давлатидан олиб келинган уруғ бошқаларга қараганда анча унумдор: ҳар қўтисидан олинган ҳосил 55-60 килограмм тош босади, чикити — қорапўчок бор-йўғи 1 фоиздан иборат.

Вилоят «Пилла» акциядорлик жамиятидагиларнинг фикрича, баҳорнинг серёғин келиши натижасида жорий йил мавсуми анча кўп меҳнат талаб этишини кўрсатмоқда. Шу боис туманлардаги фермерлар тут плантацияларига ишлов беришга эрта киришилган эди. 1000 гектардан ортиқ майдонга янги экилган ниҳоллар яхши парвартиш қилинмоқда. Қурт боқувчи хонадонлар билан шартномалар тузилиб, ҳар қурти пилла уруғи учун аввалдан 20 минг сўмдан нақд пул тўланади.

Пиллачилик ривожига дахлдор яна бир масалага эътибор қаратиш ўринлидир. Гапнинг рости, илгарилари мавжуд пиллакорлардаги мутахассис-



лар ва хомашё етиштирувчиларнинг асосий мақсади битта эди: яъни мавсуми беталофат ўтказиб, белгиланган режалар уқдаланса бас, қолгани уларни қизқирмаган. Тўғри, бир неча йил аввал тажриба тариқасида пиллакорларда қайта ишловчи цехлар қурилиб, бироз ишлатилди. Бироқ эътиборсизлик туфайли қандай тез бошланган бўлса, шундайлигича аро йўлда қолиб қолган эди.

Утган мавсумдан бошлаб мазкур цехлар яна синаб қўрилди. Самараси чакки эмас. Ипакдан тайёрланган бир неча хилдаги аҳолибоп маҳсулотлар харидорлиги билан миқозлар эътиборини тортиди. Эндиликда вилоятнинг 11 та тумани пиллакорлариди яна шундай цехларда 15-20 фоиз хомашё ишлов берилаяпти. Ҳар бирида 30 нафар, ёғи мавсумларда эса 50 нафаргача киши иш билан банд.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ishonch» муҳбири



ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

«Кургантепа дон маҳсулотлари» акционерлик жамиятида макарон, печенье ва яна ичимликлар ишлаб чиқаришининг йўлга қўйилиши саксондан ортиқ янги иш ўрнини яратиши имконини берди.

Этиборли жиҳати шундаки, корхона ўз даромади ҳисобига суткасига бир тонна спагетти макаронлари ишлаб чиқариш

қувватига эга бўлган цехни ишга туширди. Маҳсулот сифати ва арзонлиги билан ажралиб туради.

Суратда: ишчи Ёркиной Абдуллаева.

Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат

Хабарлар

А.Навоий номидаги Давлат академик театри шу кунларда одатдагидан кўра мухлислар билан гап-жу. Бойси, «Тошкент баҳори» опера ва балет санъати биринчи халқаро фестивалини томоша қилишга ошқайтган санъатсеварлар кети узилмапти. Италия, Испания, Қозоғистон, Латвия, Россия, Украина, Япония ва юртимиз вакиллари иштирок этётган мазкур фестивал санъат борасида ўзаро тажриба алмашиши имкони ҳамдир.

«ТОШКЕНТ БАҲОРИ»

Мухлислар иштирокчилар маҳоратига, айниқса, Муяссар Раззоқова, Нормунин Султонова, Нодира Ҳамроева, Лаура Хормиган (Испания), Елена Филиппова (Украина), Сайна Кудо (Япония) ларнинг ижросига юқори баҳо бердилар.

Италия вакили Анна Карновали фестивалнинг қизғин тус олаётгани ва мусиқанинг турли мамлакатлар санъаткорларини бир саҳнада бирлаштирувчи сеҳрли қудратга эгалигини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, санъат тили, миллати, динидан қатъи назар қалбларни бир-бирига боғлайди, кишилар ўртасида дўстона муносабат ўрнатади. Фестивал 6 майга қадар санъат ихлосмандларига ўз қўюғини очади.

МАКТУБА МҮМИНОВА, «Ishonch» муҳбири

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Бугунги кунда Куролли Кучлар сафини ўлдираётган йигитларнинг савияси ҳам тарбиячи офицерлардан ўз касбияга чуқур масъулият ва теран кўз билан қарашни талаб этмоқда. Шу мақсадда «Камолот» ЕИХ Маркази Кенгаши ҳамда Мудрофа вазирлиги ҳамкорликда «Армия — ҳаёт мактаби» китобини чоп эттирди. Ушбу китоб нафақат офицерлар, балки ҳарбий хизматда отланаётган йигитлар учун фойдали қўлланма бўла олади. Ундаги мулоҳазалар Куролли Кучлар сафини томон отланаётган бш йигитларга «аскар» деган ном нақадар масъулиятли, шарафли эканлигини яна бир бор эслатади.

Алибек ЧЕГЕБАЕВ, адлия подполковниги

КАСБИНИ ШАРАФ БИЛИБ

Ғалаба ғойибдан келмайди, дейдилар. Ортда қолган тинимсиз меҳнатларниқу эслаб ўтирмайлик. Танловда иштирок этиш учун барча вилоятлардан ташриф буюрган зиёлилар қандай қилиб ўз фани бўйича юксакроқ натижага эришиш учун орузманд. Ишлар учун эса катта тажриба, келгуси буларда ақтиошиш мумкин бўлган етарли соҳавий иштирок керак бўлади.

Мана... ўша ҳаяжонли дамлар ҳам етиб келди. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» танловининг республика босқичида бирин-кетин барча фанлардан кучилардан кучли билимдонлар кашф этила бошланди.

Аммо, кўрик-танлови ўтказиш тўғрисидаги Низомда кўрсатилган барча талабларни намунали уқдалаган биргина номзод тарих фани бўйича 77,1 балл тўплаб, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» шарафини кўлга киритди. Бу Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Юлдузхон Йўлдошев эди.

Касбини шарафлаб, шараф топган Юлдузхоннинг келгуси ишларида омадлар тилаб қоламиз. Мансур АЛБУВДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

Мамлакатимизда юрийтилаётган солиқ сибсатида солиқ имтиёзлари асосан инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга, ишлаб чиқаришни янги техник ва технологик асбоб-ускуналар билан қайта модернизация қилиш ҳисобига корхоналар молиявий ҳолатини фаоллаштириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кучайтиришга қаратилган.

Эндиликда солиқ имтиёзларини белгилашда айрим солиқ тўловчиларни солиқлардан тўлиқ ёки вақтинча озод қилиш назарда тутилмасдан, балки корхона ихтиёрида имтиёз ҳисобига қолдирган маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсад қилиб қўйил-

мизнинг 2005 йил 20 июлдаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш; бюджетта ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланадиган солиқларни ва мажбурий тўловларни унификация қилиш ҳисобига солиқ юкни кескин камайтириш билан уларнинг молиявий фаолиятини соғломлаштиришга қаратилган. Жумладан, Президентни-

ўрнига 1 та ягона солиқ тўловининг жорий этилиши ҳисобига микрофирма ва кичик корхоналар зиммасидаги солиқ юки камайтирилди. Натижада 2007 йилнинг бошида фаолият юрийтилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароит яратиш; бюджетта ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланадиган солиқларни ва мажбурий тўловларни унификация қилиш ҳисобига солиқ юкни кескин камайтириш билан уларнинг молиявий фаолиятини соғломлаштиришга қаратилган. Жумладан, Президентни-

Касаба уюшма ҳаёти ҲАР БИР ХОДИМ ЭЪТИБОРДА

Ижтимоий ҳимоя йилида касаба уюшмалари зиммасида ҳам катта масъулият турибди. Асосий вазифалардан бири педагог-ҳодимларнинг муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, қўлай меҳнат ва маиший шароитлар яратиш, ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Таълим ва фан ҳодимлари касабаси Шаҳрисабз тумани кенгашига 10 минг 488 нафар аъзолар бирлашган. Дастур асосида мададга муҳтож оилалардан 170 нафари рўйхатга олинди. Утган даврда туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшмаси кенгаши ҳамкорлигида кам таъминланганлар қатори тўшақда ётиб қолган 6 нафар нафақадор педагоглар ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларидан 12 нафарининг ҳолидан хабар олинди. 48 кишининг фарзандларига кийим-кечак тарқатилди. Шунингдек, ишдан ноҳақ бўшатишдан 2 нафар ҳодимнинг

ҳақ-ҳуқуқи ҳимояланиб, ўз ўрнига тикландилар. Бундан ташқари жамоа шартномасига киритилган бандларга ҳам эътибор кучайтириляпти. Масалан, иш ҳақлари ва сафар харажатлар тўловларини ўз вақтида ололмаётганларнинг ҳамда мактабларда таъминот тизимини яхшилаш бўйича 10 дан ортиқ мууроаатлар ижобий ечим топди.

Саъдулла АБДУЛЛАЕВ, Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз тумани кенгаши раиси

НУРОНИЙЛАР ҚЎЛЛАРИНИ ДУОГА ОЧИШДИ

Тошлоқ пахтани қайта ишлаш ҳиссасдорлик жамиятида фахрийларни ижтимоий муҳофазалашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада касаба уюшма раиси Юрсунали Мўминовнинг хизматлари таҳсинга сазовор.

Корхона рўйхатида 280 нафар фахрийлар бор. Улардан 52 киши ногирон. Маъмурият уюштирилиб, «Косонсой», «Чинобод», «Гулшан», «Оптирик» ва «Раққон» сийхатҳолирига, даволаш-соғломлаштириш масканларига имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда. Бу имкониётдан фойдаланган 52 нафар ишчи ўтган йили соғлигини тиклади. Бундай эҳтиёжлар учун 2 миллион 500 минг сўм сарфланди.

Корхонада спортни ривожлантириш ва тарбиёт этиш наТоҳиржон Мирзаев, Алижон Турсуновларга бепул қорамол берилди. Ишчилардан тўрт нафари «Самарқанд-Бухоро-Тошкент» йўналиши бўйича бир ҳафталик саёҳатда бўлишди.

«Яхши дам — меҳнатга ҳам» Мухаммаджон МАХМУДОВ

ТАКАБҲУРЛИК ЎТМАДИ

Наманган шаҳри Бураматут кўчаси, 79-уйда яшовчи фуқаро Х.Исомиддин вилоят «Матлуботсаудо» акционерлик компанияси бошқаруви томонидан ноҳақ лавозимдан бўшатиб юборилган. Унинг аризасини касаба уюшма мутахассислари атофлича ўрганди.

Маълум бўлишича, бошқарувининг 2005 йил 11 майдаги 16-сонли қарори билан Х.Исомиддин компанияга қарашли Давлат таъминоти улгуржи савдо беришмаси раиси лавозимига тайинланган. Утган даврда унга нисбатан бир марта ҳам интизомий чора қўрилмаган.

Лекин 2006 йил 1 ноябрда 42-сонли фармойиш чиқарилиб, «Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлигига асосан» дея ишдан бўшатишган.

Бундан ташқари, Меҳнат Кодексининг 108-моддаси талаблари бузилиб, ишдан бўшатишган кўни унга меҳнат дафтарчаси ва буйруқ нусхаси берилмаган. Касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳам иш берувчи номига ҳодимни ишга тиклаш ва мажбурий юрган вақти учун иш ҳақи ундириш тўғрисида тақдимнома киритди. Бироқ баҳарилмади. Суднинг ажримидан сўнг адолат қарор топди.

Қобилжон ХОЛБОЕВ, Наманган вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари билан ҳаммаси юридик бўлими мудир

фойдаланилиши натижасида республикамиз корхоналари ва ҳўжалик субъектлари ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда 425 миллиард сўмга кўпайтирдилар. Булардан ташқари, ҳўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқлар юкнинг энгиллаштирилиши солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси ошишига ижобий таъсир кўрсатди ва 2006 йилда ўтган йилдагига нисбатан солиқларнинг йиғилувчанлик даражаси 11,6 фоизга ўсди.

Бугунги кунда республи-

нинг Фармонлари, қарорлари асосида, қолган 33,5 фоизи эса Солиқ кодекси билан белгиланган имтиёзлардир.

2006 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 3 миллиард 140 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, унинг 77,5 фоизи хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш, корхоналарнинг ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан таъминланган. Бунга асосий сабаб Президентимизнинг 2005

Йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан хорижий инвесторларнинг самарали фаолият юрийтишлари, Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишига кўмаклашиши, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун хорижий молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурслар, замонавий хорижий технологиялар ҳамда бошқарув тажрибаларини жалб этиш, улар-

ДАРОМАД ДАРАЖАСИ

камизда фаолият юрийтилаётган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 17,4 фоизи солиқ имтиёзларидан фойдаланиб келмоқда ва бюджетта йўналтирилиши лозим бўлган солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар суммасининг 22 фоизга яқин қисми имтиёз сифатида солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилмоқда.

Утган йилги маълумотлар таҳлили бўйича республикамизда жорий этилган имтиёзларнинг 66,5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати-





Саховат

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида Меҳрибонлик уйлари ва Махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисиз қолган болаларга эътиборни кучайтириш, ногиронларга соғлом болаларга тенг шароит яратиш, уларни уйда ўқитиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилган.

Пахтакор туман халқ таълимида бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мактабда ўқитган 169 нафар ногирон ўқувчилар кийим-бош, дарсликлар билан тўлиқ таъминланган. Уйда таълим олаётган 10 нафар ногирон болага бепул китоб ва кийим-бош улашилди.

— Меҳр-саховат халқимизга хос кадрият ҳисобланади. Айниқса, таълим олишга йўналтирилган саховатнинг баҳоси йўқ, — дейди туман халқ таълими бўлимига қарашли ташхис маркази раҳбари Мисхон Мусоева. — Ҳомийлар ёрдамида 13-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ҳ.Холмунинова, 12-

НОГИРОН БОЛАЛАР УЙДА ЎҚИТИЛМОҚДА



мактаб ўқувчиси Достон Ҳакимов, 8-мактаб ўқувчиси Махлиё Убайдуллаева, 2-мактаб ўқувчиси Исроил Сувонов, 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Малика Ибодуллоева ва 1-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Малика Ибодуллоевага компьютер совға қилиндики, бу беминнат мурувват ёрдамидан қалблар қувонгача тўлди.

Алибой ЭРГАШЕВ Суратларда: Тўрабек Холбўтаевага Хонимой Каршибоева уй шароитида дарс ўтмоқда; 2-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Исроил Сувоновга мактаб директори Хайрулло Довидов совға топширмоқда.

Маданият хабарлари

ЯНГИ САҲНА АСАРИ

Ю.Ражабий номли Жиззах муסיқали драма театрида Насрулло Кобилнинг «Тўда» спектакли тақдироти бўлиб ўтди.

Асарни Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат санъат институти дипломанти Ҳабибулло Қобулов сахналаштирди.

Саҳна асари ғиёвандлик кўчасига адашиб кириб қолган ёшларнинг аччиқ қисмати талқин этилгани билан ҳам гоёт қатта тарбиявий аҳамиятга эга. Асарни вилоят театрининг таниқли актёрлари билан бирга Жиззах санъат коллежи талабалари ҳам ижро этгани диққатга сазовор.

— Ғиёванд Зулфия образи билан қатта сахнада илк бор иштирок этганидан мамунман, — дейди санъат коллежи талабаси Раёно Шарипова. — Ролни қандай ижро этганимга эса томошабинлар ўз баҳосини беришар.

А. АЗИМОВ «Ishonch» мухбири

ЯКУНИЙ БОСҚИЧ ЎТМОҚДА

Ўзбекистон давлат консерваториясида болалар муסיқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида академик чоғулар ва эстрада ижрочилиги бўйича кўриктанловнинг якуний босқичи ўтказилмоқда.

Тавқидлаш лозимки, кўриқ-танловга бўлган қизиқиш ёшлар орасида йилдан-йилга ортиб бормоқда. Унинг вилоятларда бўлиб ўтган саралаш босқичида мингдан зиёд ёш санъат ихлосмандларининг иштирок этиши бунинг яққол далилидир. Вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган 130 нафар истеъдод эгалари Ўзбекистон давлат консерваториясида академик чоғулар ва эстрада ижрочилиги бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Танловнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар санъат соҳасида эришилаётган ютуқлар ҳамда бу йилги танловнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ўзаро фикр алмашиб, иштирокчиларга омад тиладилар. Кўриқ иштирокчиларини Темирийлар тарихи давлат музейи, Мустақиллик майдони каби пойтахтимизнинг гузал жойларига сабаҳат қилдириш ҳам дастурдан жой олган.

«Туркистон-пресс»

«НАСАФ»ДА НАВБАТДАГИ МАГЛУБИЯТ

Республикамизнинг бир қатор стадионларида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати, олий лига 7-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мусобақа жадвалини бошқариб келаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Тошкентда «Трактор» устидан ғалабага эришган бўлса (0:2), «Машъал» ўз майдонида жорий

Футбол

чемпионатда бир текис ўйин кўрсатаётган «Андижон» клубини мағлуб этди-2:1. Қолган натижалар эса қуйидагича: Локомотив-Шўртан-0:0, Металлург-Вобхент-0:0, Қизилқум-Насаф-3:1, Самарқанд-Д-Курвчи-1:1, Навбахор-Туполанг-2:1, Бухоро-Пахтакор-0:1.

Ақмал АБДИЕВ


Advertisement for Sportlotto with a large number 40 198 424 jackpot and a list of numbers: 23, 7, 29, 27, 33, 2.

Мағлубиятни тан олиш марднинг иши. Елкаси ерга тоғдими, икки қўлини кўтариб, индамай майдонни тарқ этиб кетаверади. Шунинг учун айтадилар-да: куч билақдмас, юракда деб.

Чамаси бу ҳикмати мағзини босқич Николай Валуйевни қуршаб олган ҳар хил ҳайбаракалачилар қақиб улгурмаган кўринади. Нега бундай даяётганимизни, ўйлаймизки, бокс кўчасидан бир марта ўтган одам борки, аллақачон тушунди етди. Икки-уч кун бўлди, кўча-қўйда ҳар хил майда гаплар кўпайиб қолди.

АФСОНАНИНГ ДАВОМИ

вақти йўқ. Кайфияти ҳам ёмон эмас. — Демак, Руслан Чагаев билан бўлган жангда муваффақиятсизликдан сўнг юзага келган руҳий зарбадан халос бўлибди-да? — Қанақа зарба?! Шунчаки, ёқимсиз бир ҳол, бошқа нарса эмас. Агар билсангиз, профессионал рингда ўз фаолияти давомида Рокки Марчианога ютказмаган, қолганлар, ҳатто буюк боксчилар ҳам мағлубият аллаҳидан қочиб қутулишмаган. Улар сафида Мухаммад Али, Леннокс Льюис бор. Мен Владимир Кличко ва Олег Маскаевларни тилга олмасам ҳам бўлади, улар кўп марта шундай холга тушишган. Шундай экан, бу ерда ҳеч



Санъатимиз фидойиси

ҚУТЛУФ ЁШ

Мумтоз муסיқа шайдолари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мамаасиддик ота Мадалиевни яхши билишади. Кўплаб санъаткорлар у кишини устоз сифатида ҳурмат қилишади. Яқинда ҳофиз ўзининг 80 ёшини мухлислари, шогирдлари даврасида нишонлади. Умрининг 65 йилини санъатга бахшида этган устоз санъаткор меҳнат фаолиятининг асосий қисми ўзи яшаётган Тошкент маҳалласи худудида жойлашган Жўраҳон Султонов номли 9-муסיқа мактабиди ўтди. Узоқ йиллар ушбу мактабга раҳбарлик қилиб, болаларни санъатни севишга, қадрлашга ўргатди.

М.Мадалиевнинг отасини Мадали ҳофиз дейишарди. У Марғилонда кўзга кўринган санъаткор бўлишига қарамай, атторлик касби билан шуғулланган. Мадали ҳофиз томонидан ижро этилган кўшиқлар республикамиз аҳолиси билан бир пайтда мазкур пластинка санъат музейининг нобъ экспонатларидан биридир.

Маълумки, 1912 йили Москвадаги «Роберт-Кенц» фирмаси «Урта Осий кўшиқчилари» сериясида грампластинкалар чиқаришни

мақсад қилиб, экспедиция ташкил этди ва бошқа ҳофизлар қатори, марғилонлик Мадали ҳофизнинг «Абдураҳмонбеги» туркумидаги бир неча ашулаларини ёзиб олади. 440-рақамли бу грампластинка Мамаасиддик ота ҳозир ҳам сақланади. Айни пайтда мазкур пластинка санъат музейининг нобъ экспонатларидан биридир.

Устоз санъаткор М.Мадалиев бардам-бақувват, санъат йўлида тинмай хизмат қилмоқда. Вақти-вақти билан Тошкент Давлат консерваториясига бориб, талабаларга маърузалар ўқиб, маслаҳатлар беради. Устозни муборак ёши билан қўтлаш учун Тошкентдан, вилоятлардан меҳмонлар ташриф буюришди. Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, Султонали Маннопов, Қобилжон Юсупов, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Абдулаҳад Абдурашидов, Абдураҳмон Холтоқиев, Фарҳоджон Давлатов ўз дил сўзларини куй ва қўшиқ орқали ижро эттишди.

УВАЙСИЙХОНЛИК

Марғилон миллий хунармандчилик касб-хунар коллежида XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган Жаҳон отин Увайсий ҳаёти ва ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди. «Увайсий момомиз» деб номланган, адабий-муסיқий тадбирда ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими котиби Энаҳон Сиддиқова шоира ижоди ҳақида сўзлади.

Марғилонлик истеъдодли шоир Исмоил Маҳмуд раҳбарлик қилаётган Жаҳон отин Увайсий номидаги тўғрақ катташчилари Малюхат Мамажонова, Дилором Йўлдошева, Сайёра Холдорова, Ҳасанбой Хотамов, Муборак Тошгуллатова, Мунира Қўнонова, Шоира Ортиқова, Абдуманноп Мансуров, Мухаббат Ёқубовалар она Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат, дўстлик, меҳнатсеварликни тараннум этуви шерларидан намуналар ўқиб бердилар. Ёш ижодкорлар Увайсий уй-музейини ва шоирнинг қабрини зиёрат этишди.

Шаҳар маданият уйи хаваскорлари ижро этган дилрабо куй, қўшиқ ва рақслар тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Шу кунги Увайсий ижодига оид китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.


ТАНТАНАЛАР МАЖМУАСИ

Ёвқочар маҳалласида қад ростлаган икки қаватли «Шодийна» тантаналар мажмуаси шаҳар кўригига кўрк қўшди. Шарқона услубда барпо этилган мажмуа турли маросимлар ўтказишга мўлжалланган.

Уни тадбиркор Абдулаҳад Абдуллаев ўз маблаг ижобидан зарур меъел ва жиҳозлар билан таъминлади. Мажмуа очилиши Бахтиёр Оқуннинг фарзандлари никоҳ тўйи тантанаси билан уйғуллашиб кетди. Яқинда бу ерда жонанда Феруза Жуманиёзова катта дастурда концерт намойиш этди.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси

Миш-миш ва ҳақиқат



шилигини синдира, Маскаевдан ҳам ўтолмаслиги мумкин. Бас, шундай экан, Чагаев бу ҳақда гапирмасам ҳам бўларди... Ажабо, худди шундай чиқиларни уюштирган ва ўнгга-чапга айнан шу сўзларни айтиб, барчани безорик қилиб юборган Кличкога «эркатоилки» ярашгани холда, бошқаларнинг оғзидан чиққан айнан шу тақлиф кимларнингдир гашини келтириши кизик-а?! Ўзбекларда бир гап бор: алам қилса, бурнингни тишла. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Шу жумладан спортда ҳам. Зафар чоғи шодландиш билан одам, муваффақиятсизликни ҳам муносиб қабул қила

Зайниддин РИХСИЕВ

Advertisement for TULPOR cars, featuring images of the vehicles and text describing their features and availability.

Advertisement for Ilik Uzilidiga Хотима Беради, featuring text about vitamins and health benefits.



БОШ МУҲАРРИР

Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир хайъати:

- Алла Долженкова, Виктор Зверев, (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиков, Носирхон Акбаров, Ойсулов Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзоқир Юсупов

Бизга кўнғироқ қилинг:

Котибият 153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари хайъти бўлими: 153-87-63

Хуқуқ ва халқаро хайъти бўлими: 153-87-73

Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74

Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79

Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43

Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

E-mail: ishonch\_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов

Навбатчи муҳаррир - Ф.Юсупов

Навбатчи - А.Имаркулов

Мусаҳҳаб - Н. Юлдошев

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқаровисидида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босялди. Бъямни А-2.

Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.00

Буюртма Г - 414

Тиражи: 16821

2 3 4 5 6

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси